

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАНГАБАЕВА АЙГУЛ САРСЕНБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУПРОҚ ШЎРЛАНИШИ
ШАРОИТИДА ТОПИНАМБУР (*HELIANTHUS TUBEROSUS L.*)
ЎСИМЛИГИНИНГ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2019

УЎТ: 631.5:635.24/575.172

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences

Жангабаева Айгул Сарсенбаевна

Қорақалпоғистон Республикасида тупроқ шўрланиши шароитида
топинамбур (*Helianthus tuberosus* L.) ўсимлигининг етиштириш
технологиясини такомиллаштириш..... 3

Жангабаева Айгул Сарсенбаевна

Совершенствование технологии возделывания топинамбура (*Helianthus
tuberosus* L.) в условиях засоленной почвы Республики Каракалпакстан
..... 21

Jangabayeva Aygul Sarsenbayevna

Developing of the cultivation technology of Jerusalem artichoke (*Helianthus
tuberosus* L.) in saline soil of the Republic of
Karakalpakstan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 43
List of publication works

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАНГАБАЕВА АЙГУЛ САРСЕНБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУПРОҚ ШЎРЛАНИШИ
ШАРОИТИДА ТОПИНАМБУР (*HELIANTHUS TUBEROSUS L.*)
ЎСИМЛИГИНИНГ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx290 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мавлянова Равза Фазлетдиновна**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расми оппонентлар: **Остонақулов Тоштемир Эшимович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Аманова Махфурат Эшмирзаевна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail:piim@agro/uz.

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, тупроқ деградацияланишини камайтиришга, суғориладиган ерлардан унумли фойдаланишга, курғоқчилик ва тупроқ шўрланиши бўлган минтақаларда янги технологияларни жорий қилишга ҳамда экологик шароитларни яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда топинамбур дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган ва 2,5 млн. гектар майдонда етиштирилмоқда. Шунингдек, АҚШда 700 минг гектар, Францияда 500 минг гектар, Австрияда 130 минг гектарга тенг бўлиб, кейинги йилларда топинамбурнинг экин майдони Англия, Германия, Польша, Венгрия, Япония, Хитой каби мамлакатларда ҳам кенгаймоқда¹. Топинамбур кенг кўламда ишлатилишининг боиси, унинг ноёб кимёвий таркиби ва биологик фаол моддаларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Дунё мамлакатларида топинамбур юқори потенциалга эга бўлиб, озиқ-овқат, доривор, ем-хашак, техник, мелиорант ва манзарали ўсимлик сифатида ишлатилади. Қишлоқ хўжалигида интенсив ва инновацион ишланмаларни жорий қилган ҳолда экинларни диверсификация қилиш, маҳаллий тупроқ-иқлим, экологик шароитларига мослашган ўсимликларни етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитларига мос келадиган, эртапишар ва серҳосил ўсимликларнинг турлари ва навларини экиш, кам сув талаб қиладиган ва ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб муаммолардан биридир.

Республикада топинамбур етиштириш бўйича изланишлар олиб борилиб, мамлакатда доривор, хусусан, аҳолини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш бўйича кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”² фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги №14-сонли “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Duke, J.A. and Wain, K.K. Medicinal plants of the world. Computer index with more than 85.000 entries. 3 vols. 198. p. 15.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-мухит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёдаги йирик илмий марказлар ва олий ўқув юртларида топинамбурнинг хусусиятларини ўрганиш, серҳосил ва стресс омилларга чидамли навларни яратиш, яшил масса ва туганагини қайта ишлаш ҳамда турли тупроқ-иқлим шароитларида топинамбур етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламдаги тадқиқотлар амалга оширилмоқда. АҚШ, Франция, Германия, Венгрия, Чехия, Италия, Хитой ва Россияда топинамбурга оид давлат дастурлари мавжуд.

Бутунроссия ўсимликшунослик институти, Воронеж технологик университети, Одесса, Тверь, Краснодар қишлоқ хўжалиги институтларида ва бошқа илмий муассасаларда топинамбур бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда топинамбур навлари ва етиштириш технологияси бўйича Н.И. Балашев, Р.Ф. Мавлянова, М.Э. Аманова, А.С. Рустамов, А.А. Элмуродов, Т.Э. Останокүлов, Д.Т. Абдукаримов, М. Комилова., Д. Ёрматова, Н. Амирханов, З.И. Умурзакова, К.Н. Тодерич, И. Бекмирзаева ва бошқалар Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Қизилқум ва Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида илмий тадқиқотларни олиб боришган. Шу билан бирга, республикамизнинг шўрланган тупроқ ва кескин континентал иқлим шароитларида топинамбурнинг биоэкологик хусусиятлари ва адаптив агротехнологиялари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида топинамбур етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тажриба натижаларини илк бора, биз ушбу диссертацияда ёритаяпмиз.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети биология кафедрасининг ИОТ-2015-7-21-сонли “Қорақалпоғистон Республикасида тупроқ шўрланиши шароитида топинамбур ўсимлигининг биоэкологиясини ўрганиш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги давлат лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикасида шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида топинамбур (*Helianthus tuberosus L.*) ўсимлигини етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштиришдан ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шўрланган шароитда топинамбурнинг "Файз-Барака" ва "Мўжиза" навларининг биологик, морфологик ва қимматли хўжалик белги ҳамда хусусиятларини аниқлаш;

топинамбурдан юқори ҳосил етиштиришда мақбул экиш муддатларини аниқлаш;

юқори ҳосил ва сифатли маҳсулот етиштиришда топинамбурнинг мақбул кўчатлар қалинлиги ва экиш схемаларни аниқлаш;

топинамбур уруғлик туганакларининг мақбул вазнини аниқлаш;

туганакларни мақбул экиш чуқурлиги, унувчанлиги ва ўсимлик ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

топинамбур туганакларининг биокимёвий таркибини аниқлаш;

топинамбур “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларидан юқори ҳосил етиштиришда мақбул экиш муддатлари, схемалари, туганак вазни ва экиш чуқурлигининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари, шароитида топинамбурнинг “Файз-Барака”, “Мўжиза” навлари, уларнинг туганаклари ва ўсимликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида топинамбур навларининг биологик ва морфологик хусусиятлари, тўртта экиш муддатлари, учта экиш схемалари, уч хил туганак вазнлари ва экиш чуқурлиги, ўсув даври, ҳосилдорлиги, биокимёвий таркиби ва иқтисодий самарадорлиги хизмат қилади.

Тадқиқот услублари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини жойлаштириш, агротехник тадбирларини ўтказиш, ҳосилдорликни аниқлаш, баҳолаш тадқиқотлари Ўзбекистон илмий-тадқиқот ўсимликшунослик институти услубнома (2011), “Давлат нав синаш комиссиясининг қишлоқ хўжалик экинлари услубий қўлланмаси” (1975,1983), “Ўсимликлар биокимёвий таҳлиллари” (Ермаков А.И. 1987) услубий қўлланмалари асосида ўтказилди. Олинган маълумотлар Б.А. Доспехов (1985) услуби ёрдамида статистик таҳлил қилинди.

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон Республикаси норматив тадқиқот маркази маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқлари шароитида илк бор топинамбурнинг «Файз-Барака» ва «Мўжиза» навларини экишнинг турли хил муддатлари, экиш схемаси, туганак вазни ва экиш чуқурлигида ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ўрганилди ва навлар орасидаги фарқлар аниқланди. Эртаги муддатда (5 апрель) экилган топинамбур иккита навларининг ўсимликларидаги поялар сони, унинг ўсиш суръатлари, туганакларнинг сони, вазни кечки муддатларга (25 апрель - 5 май) нисбатан юқори бўлиши аниқланди;

ушбу навларини экишда қатор ораси 70 см. ва қатордаги ўсимликлар ораси 40 см, жами: гектарига 35500 туп ўсимлик қалинлигида жойлаштириш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши аниқланди;

уруғлик туганакларнинг вазни (40-60 г), яъни йириклигининг ортиши ўрганилган иккала топинамбур навида ҳам ўсимлик тупида туганаклар сонининг ва уларни ҳосилининг ошишига ижобий таъсири аниқланди;

мақбул экиш чуқурлиги 9-10 см. бўлиб, экиш чуқурлигининг саёз ёки чуқур экилиши ўсув даврига, ҳосилдорликка ва товарбоп маҳсулотларнинг улушига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланди;

шўрланган тупроқ шароитларида етиштирилган топинамбур “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларида туганакларининг таркибида курук модда микдори - 22,1- 21,7%; оқсил - 7,8 - 7,6%; мой - 0,45 - 0,47%; кул - 1,82 - 1,42%), фруктоолигосахаридлар (ФОС) – 11,0 – 10,0%, пектин - 6,2 – 3,5% ва 40-42 % инулин аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: илк бор шўрланган тупроқлар шароитида юқори ҳосил ва сифатни таъминлайдиган топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларини етиштириш технологиясининг айрим элементлари такомиллаштирилди ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинди: мақбул экиш муддати - 5 апрел, экиш схемаси - 70x40 см, уруғлик туганакларнинг вазни - 40-60 г. ва чуқурлиги - 9-10 см. Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқ шароитида топинамбур етиштиришнинг тавсия этилган агротехнология элементларининг юқори иқтисодий самарадорлиги аниқланди. Шўрланган тупроқ шароитида топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари учун такомиллашган етиштириш технологияси бўйича тавсиянома чоп этилди. Топинамбур туганакдан кукун ишлаб чиқарилди ва Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигидан (санитар-эпидемиологик хулоса) қўлланилиши учун рухсатнома олинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган илмий ёндашув ва усуллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилгани, ишда классик ва замонавий услубларнинг қўлланилганлиги, ҳар йилги апробация комиссияси томонидан юқори баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи илмий журналларда чоп этилганлиги, олинган натижаларга статистик ишлов берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тупроқ шўрланиши шароитида топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганилганлиги, турли экиш муддатлари, схемаси, уруғлик туганакларининг вазни ҳамда экиш чуқурлиги каби агротехник тадбирларнинг топинамбур ҳосилдорлигига таъсири аниқланганлиги, топинамбур туганакларининг биокимёвий таҳлил этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шўрланган тупроқ шароитида топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари учун такомиллашган етиштириш технологиясининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Ишлаб

чиқаришда топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларидан юқори ҳосил олиш учун баҳорда 40-60 г. вазнли уруғлик туганакларини 5 апрелда, 70x40 см. экиш схемасида 9-10 см. чуқурликда экиш тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасида тупроқ шўрланиши шароитида топинамбур (*Helianthus tuberosus L.*) ўсимлигини етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

топинамбур етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича “Қарақалпақстан республикаси аймақларида томинамбур өсимлигининг биоэкологияси бойынша усьныслар” мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 мартдаги 01/06-1839-сонли маълумотномаси); ушбу тавсияномада фермер хўжаликларида топинамбурнинг такомиллаштирилган агротехнологиясини қўллаш орқали юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш бўйича маълумотлар берилган.

Қорақалпоғистон Республикасида тадқиқотлар бўйича энг самарали бўлган экиш ва етиштириш технологияси Кегейли туманининг “Аббаз-қыпшақ”, Амирбек кегейлиши”, Хўжайли туманининг “Сабырата”, “Садық шарўа”, Тахтақўпир туманининг “Кендебай шарўа” фермер хўжалигида, жами 77 га майдонга қулай экиш муддати, экиш схемаси, экиш чуқурлиги жорий этилган. Бунда соф фойда “Файз-Барака” навидан 10612,6 минг сўм, “Мўжиза” навидан 104591,1 минг сўм олинди. Тадқиқот натижаларига асосланиб, ишлаб чиқаришга вазни 40-60 г. дан кам бўлмаган уруғлик туганакларни апрель ойи бошларида (5 апрель) 70x40 см. схемада гектарига ўртача 35500 туп ўсимлик жойлаштириш орқали туганакларни тупроқ юзасидан 9-10 см. чуқурликда экиш тавсия этилган. Ўзбекистон ООО “LICORICE EXTRACT” № 346; 12.05.2016 й баённомаси асосида топинамбур ўсимлигининг туганагидан кукун ишлаб чиқарилди ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигидан (санитар-эпидемиологик хулоса) қўлланилиши учун рухсатнома олинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг дала тажрибаларининг йиллик ҳисоботлари (2015-2017 й.) Қорақалпоқ давлат университетнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган.

Диссертация ишининг асосий натижалари Республика миқёсидаги "Рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья" (Нукус 2015); VI Халқаро илмий-амалий конференция “Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов Южного Приаралья” (Нукус, 2016) материалларида; "Аўыл хожалығы тараўын раўажландырыўда илимий изертлеўлердин роли ҳәм өндирикке ендириўдин әхмийети» атамасындағы" (Нукус-2016); "Саламат ана ҳәм бала жылы" (Нукус-2016); "Өмири орнек алым" (Нукус-2017); "Бутун жахон атроф-муҳит муҳофазаси куни" (Нукус-2017); "Биология, география, экология ҳәм топырақтаныў тараўларының актуал мәселелери" (Нукус-2017); “Органик дехқончиликнинг институтционал масалалари ҳолати ва истиқболлари” (Тошкент- 2017); "Ўсимликлар интродукцияси: ютуқлари ва истиқболлари" (Тошкент -2018) илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда - 6 та, уларнинг 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган. Топинамбурни шўрланган ерларда етиштириш бўйича 1 та тавсиянома чоп этилган. Илмий анжуманларининг тўпламаларда 8 та илмий мақола чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **адабиётлар шарҳи “Топинамбурнинг биоэкологик хусусиятлари ва фойдаланиш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида топинамбурнинг биоэкологик хусусиятлари ва фойдаланиш истиқболлари, топинамбурнинг ботаник тавсифи ва биоэкологик хусусиятлари, топинамбурнинг келиб чиқиши, топинамбурнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига турли омилларнинг таъсири ҳамда топинамбурдан фойдаланиш йўллари оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритилган. Мавзуга оид дунёда ва республикада олиб борилаётган ишлар ҳамда уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар келтирилган. Мавжуд муаммоларга асосланган ҳолда диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг об-ҳаво шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ва олиб борилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Илмий-тадқиқотлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Кегейли тумани Халқабад ОФЙ да жойлашган тажриба участкасида 2015-2017 йилларда амалга оширилди.

Қорақалпоғистоннинг иқлими кескин континентал ва ҳаддан ташқари қурғоқчилиги билан характерланади. Ҳаво ҳарорати кўп йилликка нисбатан бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди. Ер юзаси ҳарорати март ойида максимал (+33⁰С) ва минимал (+7,8⁰С), апрель ойида максимал (+45,5⁰С) ва минимал (+1,5⁰С), май ойида максимал (+51,0⁰С) ва минимал (+8⁰С) ни ташкил қилди. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан унинг нисбий намлиги камайиб

бориши кузатилди. Тажриба далаларининг тупроқлари эскидан суғориб келинаётган ўтлоқи аллювиал тупроқ бўлиб, ўртача 0,4% даражада шўрланган.

Ҳайдалма қатламидаги (0-30 см) гумус миқдори 0,87-1,03%, умумий азот 0,10-0,12%, умумий фосфор 0,23-0,35%, умумий калий 2,5-2,7%, ҳаракатчан азот 9-12,7 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 27,3-28,7 мг/кг ва алмашувчан калий 197-305 мг/кг ни ташкил қилади.

Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари ўрганилган.

Илмий изланиш жараёнида қуйидаги тажрибалар амалга оширилди:

1-тажриба. Топинамбур ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш муддатларининг таъсирини ўрганиш.

Экиш муддатлари. Тўртта экиш муддатлари ўрганилди: 5 апрель, 15 апрель (назорат), 25 апрель ва 5 май. Ҳар бир бўлманинг майдони 55 м² ни ташкил этди. Тажриба 4 қайтариқда ўтказилди.

2-тажриба. Топинамбур ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш схемаларининг таъсирини ўрганиш.

Экиш схемалари. Учта экиш схемалари ўрганилган: 1) 70x30 см. (назорат), 2) 70x40 см, 3) 70x50 см. Ҳар бир бўлманинг майдони 55 м² га тенг. Тажриба 4 та қайтариқда ўтказилди.

3-тажриба. Топинамбур ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига уруғлик туганак вазнининг таъсирини ўрганиш.

Уруғлик туганак вазни 20-30 г. (назорат), 40-60 г, 70-80 г. Ҳар бир бўлманинг майдони 55 м². Тажриба 4 қайтариқда ўтказилди.

4-тажриба. Топинамбур ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига туганаклар экиш чуқурлигининг таъсирини ўрганиш. Экиш чуқурлиги – 6-7 см (назорат), 9-10 см ва 12-13 см. Ҳар бир бўлманинг майдони – 55 м². Тажриба 4 қайтариқда ўтказилди.


Тажриба даласини танлаш ва агротехникани ўтказиш қабул қилинган услубларда амалга оширилди. Фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовларни ўтказиш ҳамда ҳосилни йиғиштириб олиш учун “Давлат нав синаш комиссиясининг қишлоқ хўжалик экинлари услубий қўлланмаси” ларидан (1975,1983) фойдаланилган. Биокимёвий таҳлили “Ўсимликлар биокимёвий таҳлиллари” (Ермаков А.И. 1987) услубий қўлланмалари асосида ўтказилди. Олинган маълумотлар Б.А. Доспехов (1985) услуби ёрдамида статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Экиш усулларининг топинамбурнинг ўсиш ва ривожланишига таъсири.”** учинчи бобининг **“Экиш муддатлари”** бўлимида Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқлари шароитида топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари туганакларини турли хил экиш муддатларининг ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, кимёвий таркиби, ҳосилдорлиги ва етиштирилган маҳсулот товарбоплигига таъсири ўрганилган.

Ўрганишлар натижасида топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари учун энг мақбул экиш муддати 5 апрель эканлиги аниқланган. “Файз-Барака” навининг 5 апрелда экилган ўсимликларида 1 м² дан олинган ҳосил назоратга нисбатан 107%, “Мўжиза” навида эса 116,3 фоиз ортиқ эканлиги

аниқланди. Экиш муддатлари кечиктирилиши билан ҳосилдорлик ҳам камайиши кузатилди, жумладан: 25 апрелдаги экиш муддатида назоратга нисбатан “Файз-Барака” навида 76%, 5 майда экилган ўсимликларда эса 59 фоизни ташкил этган бўлса, “Мўжиза” навида ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 80,0 ва 69,1 фоизга тенг бўлди (1-расм).

Маҳсулотнинг товарбоплиги ҳам экиш муддатига боғлиқ ҳолда камайиб бориши кузатилди. Ҳар иккала навларда ҳам энг юқори ҳосилдорлик ва сифатли маҳсулотлар миқдори 5 апрелда экилган вариантда қайд этилди.



1-расм. Экиш муддатларининг топинамбурнинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири (2015-2017 й.й.).

Ушбу муддатда, 70x40 см. схемасида етиштирилган топинамбур туганакларининг кимёвий таркиби аниқланганда куруқ модда (22,1%), оқсил (7,8%), кул (1,82%), ФОС (11,0%) ва пектин (6,2%) миқдорлари “Файз-Барака” нави туганакларида “Мўжиза” навида нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланди. Туганаклардаги мой миқдорининг кўрсаткичлари икки навда ҳам (0,45-0,47%) ўзаро яқин бўлганлиги кузатилди. “Файз-Барака” навида сув миқдори 49,3% ни ташкил этди ва “Мўжиза” навидан 4 фоизга камроқ бўлди. Ажратиб олинган инулин миқдори “Файз-Барака” навида 40 фоизни, “Мўжиза” навида эса 42 фоизни ташкил этди.

Ушбу бобнинг “Экиш схемалари” бўлимида топинамбур ўсимлигида кўчат қалинлигининг ҳосилдорликка таъсири ўрганилди ва 70x30 см (назорат), 70x40 см. ва 70x50 см. экиш схемасида тажриба вариантлари қилиб олинди (экиш муддати 15 апрель, туганаклар вазни 40-60 г, экиш чуқурлиги 9-10 см). Тадқиқотлар жараёнида экиш схемасининг ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш давомийлигига, битта ўсимликдаги поялар ва туганаклар сонига,

туганакларнинг вазни ва битта ўсимлик маҳсулдорлигига ҳамда майдон бирлигидаги ҳосилдорликка таъсири ўрганилди.

Топинамбурнинг “Файз-Барака” нави 70x30 см. экиш схемасида экилганда ўртача ҳосилдорлик 2,32 кг/м², умумий ҳосилдан товарбоп маҳсулотлар улуши эса 94 фоизни, 70x40 см. экиш схемасида экилганда ўртача ҳосилдорлик гектарига 2,77 кг/м², умумий ҳосилдан товарбоп маҳсулотлар улуши эса 98 фоизни ташкил этди. Андоза нав билан таққосланганда эса ҳосилдорлик 18 фоизга, товарбоп туганакларнинг улуши эса 4 фоизга юқори эканлиги аниқланди. 70x50 экиш схемасида экилганда ўртача ҳосилдорлик 2,14 кг/м², товарбоп маҳсулот улуши эса, 95 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди (1-жадвал).

1- жадвал

Топинамбур ўсимлигининг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигига экиш схемаларининг таъсири (2015-2017 й.й.)

Экиш схемаси, см	Ўсимлик баландлиги, см	Поя сони, дона	1 ўсимликдаги туганаклар сони, дона	Туганак вазни, г	1 та ўсимлик маҳсулдорлиги, г	Умумий ҳосилдорлик, кг/м ²
“Файз-Барака” нави						
70x30 см (назорат)	320,8	2,8	14,5	33,5	488,9	2,32
70x40 см	326,2	3,1	16,9	45,2	768,03	2,74
70x50 см	329,6	3	17,4	43,2	751,4	2,14
S_x						0,03
$ЭКМФ_{05}$						0,2
“Мўжиза” нави						
70x30 см (назорат)	347,7	2,5	10,3	52,2	524,2	2,49
70x40 см	340,6	3,0	12,9	61,4	778,3	2,77
70x50 см	342,6	2,8	14,0	52,0	728,0	2,07
S_x						0,07
$ЭКМФ_{05}$						0,4

Топинамбурнинг “Мўжиза” навида ҳам “Файз-Барака” навидаги ҳолат кузатилди. Ўрганилган экиш схемалари ичида “Мўжиза” навини 70x40 см. ли кўчат қалинлигини қўллаш андоза вариантларга нисбатан 12 фоиз юқори ҳосил олиш билан бирга маҳсулот товарбоплик даражасининг 4 фоизга юқори бўлиши кузатилди. Топинамбур ноанъанавий ўсимликлардан бири бўлиб, шу кунгача Қорақалпоғистон иқлим шароитида туганакларни экиш чуқурлигининг ҳосилдорликка таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

“Уруғлик туганак вазни” бўлимида республикамизнинг шўрланган тупроқлари шароитида топинамбур етиштиришда уруғлик туганаклар вазнининг ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Бунинг учун топинамбур уруғлик туганаклари учта фракцияга: вазни - 20-30 г. (назорат), 40-60 г ва 70-80 г. туганакларга ажратилди ва 70x40 см экиш схемасида 15 апрелда экилди.

Тажриба натижаларига кўра, топинамбур туганакларининг энг юқори ҳосилдорлиги “Файз-Барака” навида (2,67 кг/м²) ва “Мўжиза” навида (3,31 кг/м²) 70-80 г туганаклар экилганда кузатилди, “Файз-Барака” (2,59 кг/м²) ва “Мўжиза” (3,30 кг/м²) навларида 40-60 г туганаклар экилганда ҳам яхши ҳосилдорлиги кузатилди (2-жадвал).


2-жадвал

Топинамбур уруғлик туганаклари вазнининг “Файз-барака” ва “Мўжиза” навларида ҳосилдорликка таъсири (2015-2017 й.й.)

Туганакларнинг вазни, г	Ўсимлик баландлиги, см	Поя сони, дона	1 та ўсимликдаги туганаклар сони, дона	Туганакларнинг ўртача вазни, г.	1 та ўсимлик маҳсулдорлиги, г.	Ҳосилдорлик, кг/м ²
"Файз-барака" нави						
20-30 (назорат)	295,9	2,3	14,2	29,4	414,6	1,72
40-60	302,5	3,1	17,8	35,0	623,0	2,59
70-80	297,5	3,2	18,2	35,3	642,0	2,67
S_x						0,03
$ЭКМФ_{05}$						0,2
"Мўжиза" нави						
20-30 (назорат)	299,5	2,2	9	40,1	361,0	1,50
40-60	306,0	3,2	14,0	57,2	800,0	3,30
70-80	303,9	3,4	14,5	55,2	800,4	3,31
S_x						0,05
$ЭКМФ_{05}$						0,3

“Экиш чуқурлиги” бўлимида Қорақалпоғистон Республикаси иқлим-шароитида биринчи марта топинамбур туганакларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш чуқурлигининг таъсири ўрганилди.

Тажриба учун 40-60 граммлик уруғлик туганаклар 15 апрелда, 70x40 см. экиш схемасида уч хил 6-7 см (назорат), 9-10 см; 12-13 см. чуқурликларда экилди ва топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари учун мақбул экиш чуқурлиги 9-10 см. бўлиб, экиш чуқурлигининг саъз ёки чуқур экилиши ўсув даврига, ҳосилдорликка ва товарбоп маҳсулотларнинг улушига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди (2-расм).



2-расм. Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларининг ҳосилдорлиги ва товарбоблигига экиш чуқурлигининг таъсири (2015-2017 й.й.)

Диссертациянинг тўртинчи “Топинамбур ўсимлигини турли хил экиш услубларининг иқтисодий самарадорлиги” бобининг “Топинамбурнинг жорий этилган экиш муддатларининг иқтисодий самарадорлиги” бўлимида маҳсулот етиштириш учун сарфланган умумий харажатлар, экиш майдони (га), ҳосилдорлик (т/га), маҳсулот қиймати, 1 т. ҳосилнинг таннари, соф фойда, рентабеллик даражаси (%) ҳисоблаб чиқилган.

Топинамбур туганакларни турли хил муддатларда экилганда энг юқори ҳосилдорлик ҳар иккала навда ҳам 5 апрелда экилган вариантларда кузатилган бўлиб, гектаридан “Файз-Барака” навида 25,4 т/га, “Мўжиза” навидан эса 27,7 т/га ҳосил олинган. Топинамбур туганакларининг сотиш баҳоси 620 сўм бўлиб, гектаридан соф фойда “Файз-Барака” навидан 10 млн. 555 минг сўмни, “Мўжиза” навидан эса 12 млн. 791 минг сўмни ташкил қилган.

Рентабеллик даражаси “Файз-Барака” навида 192 фоизни, “Мўжиза” навида эса 292 фоиз эканлиги аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларида жорий этилган экиш муддатларининг иқтисодий самарадорлиги (2015-2017 й.й.)

Кўрсаткичлар	Экиш муддатлари							
	5 апрель		15 апрель		25 апрель		5 май	
	Файз-Барака	Мўжиза	Файз-Барака	Мўжиза	Файз-Барака	Мўжиза	Файз-Барака	Мўжиза
Жами харажатлар	5503	4383	5540	4420	5513	4393	5516	4396
Ҳосилдорлик, т/га	25,4	27,7	22,6	23,8	20,7	18,8	13,7	15,5

Маҳсулот-нинг соти-лиш баҳоси	620	620	620	620	620	620	620	620
Ялпи даромад	15748	17236	14012	14322	12834	11470	8494	9486
1 т. маҳсу-лотнинг таннархи	216,7	157,7	245,1	191,3	266,3	237,5	402,6	287,3
Соф фойда	10555	12791	9526	10336	6019	7263	3350	5214
Рентабел-лик дара-жаси, %	192	292	172	234	109	165	60,7	118

Тўртинчи бобнинг “Топинамбурнинг жорий этилган экиш схемаларининг иқтисодий самарадорлиги” бўлимида топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларининг ишлаб чиқаришга жорий этилган уруғлик туганакларини турли хил экиш схемалари бўйича олинган натижалари таҳлил этилиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоб қилинганда, энг мақбул экиш схемаси 70x40 см. эканлиги аниқланган.

Соф фойда ушбу экиш схемасида “Файз-Барака” навида 11634 минг сўм/га, рентабеллик даражаси эса 210 фоиз, “Мўжиза” навида эса 11600 минг сўм/ га, рентабеллик даражаси эса 209 фоиз бўлганлиги аниқланган (4-жадвал).

Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларида жорий этилган экиш схемаларининг иқтисодий самарадорлиги (2015-2017 й.й.)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Экиш схемалари, см					
			"Файз-Барака" нави			"Мўжиза" нави		
			70x30 (назо-рат)	70x40	70x50	70x30 (назо-рат)	70x40	70x50
1	Уруғ, ЁММ ва бошқа ишларга сарфланган маблағ	минг. сўм/га	3501	3525	3507	3501	3525	3507
2	Ҳосилни йиғиш ва транспорт харажатлари	минг. сўм/га	714	719	716	714	719	716
3	24 % устама харажатлар	минг. сўм/га	1287	1296	1290	1287	1296	1290
4	Жами харажатлар	минг. сўм/га	5503	5540	5513	5503	5540	5513

4-жадвал давоми

5	Ҳосилдорлик	т/га	23,2	27,7	21,4	24,1	28,3	22,2
6	1 кг. маҳсулотнинг сотилиш баҳоси	минг. сўм	620,0	620,0	620,0	620,0	620,0	620,0
7	Ялпи даромад	минг. сўм/га	14384	17174	13268	14438	17140	12834
8	1 т. маҳсулот таннархи	минг. сўм	257,1	203,7	242,9	228,3	195,8	248,3
9	Соф фойда	минг. сўм/га	8881	11634	7755	9935	11600	7321
10	Рентабеллик даражаси	%	161,3	210	140,7	180	209	132,8

“Уруғлик туганак вазнларининг топинамбур ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлигига таъсири” бўлимида ҳар иккала навлар учун энг мақбул уруғлик туганакларининг йириклиги бўйича мақбул вазн 40-60 г. бўлиб, бунда “Файз-Барака” навида соф фойда ҳажми 14734 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 265%, “Мўжиза” навида 13184 минг сўм/га ва 238 фоизни ташкил этди (5-жадвал).

5- жадвал

Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларида уруғлик туганак вазнларининг иқтисодий самарадорлиги (2015-2017 й.й.)

№	Кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Уруғлик туганак вазнлари, г					
			"Файз-Барака" нави			"Мўжиза" нави		
			20-30 (назо рат)	40-60	70-80	20-30 (назо рат)	40-60	70-80
1	Уруғ, ЁММ ва бошқа ишларга сарфланган маблағ	минг. сўм/га	3501	3525	3507	3501	3525	3507
2	Ҳосилни йиғиш ва транспорт харажатлари	минг. сўм/га	714	719	716	714	719	716
3	24 % устама харажатлар	минг. сўм	1287	1296	1290	1287	1296	1290
4	Жами харажатлар	минг. сўм/га	5503	5540	5513	5503	5540	5513
5	Ҳосилдорлик	т/га	17,2	25,9	26,7	15	33	33,1
6	1 кг. маҳсулотнинг сотилиш баҳоси	минг. сўм	620,0	620,0	620,0	620,0	620,0	620,0
7	Ялпи даромад	минг. сўм/га	10664	15500	16554	9300	20460	20522
8	1 т. маҳсулот таннархи	минг. сўм	395,9	201,4	203,4	294,3	186,5	199,7

9	Соф фойда	минг. сўм/га	5161	9960	11041	3797	14920	15004
10	Рентабеллик даражаси	%	93	180	200	69	269	272

Тўртинчи бобнинг “Топинамбур туганаклари экиш чуқурлигининг хосилдорликка таъсирининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш” бўлимида ҳар иккала навлар учун энг мақбул экиш чуқурлиги 9-10 см. вариант бўлиб, 1 га майдондан олинган соф фойда “Файз-Барака” навида 14734 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 265%, “Мўжиза” навида эса, соф фойда 13184 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 238% ташкил этди (6-жадвал).

6- жадвал

Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларида уруғлик туганак вазнларининг иқтисодий самарадорлиги (2015-2017 й.й.)

№	Кўрсаткичлари	Ўлчов бирли ги	Уруғлик туганак вазнлари, г					
			"Файз-Барака" нави			"Мўжиза" нави		
			6- 7 (назор ат)	9-10	12-13	6- 7 (назор ат)	9-10	12-13
1	Уруғ, ЁММ ва бошқа ишларга сарфланган маблағ	минг. сўм/га	3501	3525	3507	3501	3525	3507
2	Ҳосилни йиғиш ва транспорт харажатлари	минг.с ўм	714	719	716	714	719	716
3	24% устама харажатлар	минг.с ўм	1287	1296	1290	1287	1296	1290
4	Жами харажатлар	минг.с ўм/га	5503	5540	5513	5503	5540	5513
5	Ҳосилдорлик	т/га	23,3	30,2	19,2	22,1	30,4	21,0
6	1 кг. маҳсулотнинг сотилиш баҳоси	минг.с ўм	620,0	620,0	620,0	620,0	620,0	620,0
7	Ялпи даромад	минг.с ўм/га	14074	20274	15128	15934	18724	14012
8	1 т. маҳсулот таннари	минг.с ўм	236,2	183,4	287,1	249,0	182,2	262,5
9	Соф фойда	минг.с ўм/га	8571	14734	9615	10431	13184	8499
10	Рентабеллик даражаси	%	155	265	114	190	238	154

Х У Л О С А Л А Р

1. Илк бор топинамбур (*Helianthus tuberosus L.*) экиннинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқ шароитида қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганилди ва улардан юқори сифатли маҳсулот етиштириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди.
2. Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари эрта муддатда (5 апрель) экилганда поялар сони, унинг ўсиш суръатлари, туганакларнинг сони, вазни кечки муддатларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди. “Файз-Барака” навида вегетация даври 164 кунни ва “Мўжиза” навида 168 кунни ташкил этди.
3. Турли экиш схемаларининг топинамбурнинг қимматли хўжалик белгиларига таъсири аниқланди. Ўсимликларида поялар сони ва уларнинг бўйи ҳамда ҳосилдорлиги уруғлик туганакларни экиш схемасига боғлиқлиги аниқланди. Ҳосилдорлик 70x30 см. ва 70x50 см. экиш схемаларида камроқ бўлди ва энг юқори ҳосилдорлик гектарига 35,5 минг туп ўсимлик қалинлигида 70x40 см. экиш схемасида “Файз-Барака” навида 2,7 кг/м² ва “Мўжиза” навида 2,8 кг/м² бўлиши аниқланди. Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари учун энг мақбул экиш схемаси 70x40 см. деб топилди.
4. Топинамбур навларида уруғлик туганаклар вазнининг уларни унувчанлиги, ўсимликлар баландлиги, поялар сони ҳамда туганакларнинг ҳосилдорлигига таъсири аниқланди. Майда туганаклар (20-30 г) ёки йирик туганаклар (70-80 г) экилганда ҳосилдорлик ўртача туганаклар вазнига (40-60 г) нисбатан камроқ бўлиши қайд қилинди. Энг юқори ҳосилдорлик туганаклар вазни 40-60 г. бўлган вариантыда “Файз-Барака” навида - 2,8 кг/м² ва “Мўжиза” навида - 3,0 кг/м² бўлиши аниқланди.
5. Қорақалпоғистон Республикаси иқлим-шароитида 15 апрелда 70x40 см. экиш схемасида топинамбур туганакларининг экиш чуқурлиги ортганда туганакларнинг униб чиқиши “Файз-Барака” навида 5, “Мўжиза” навида эса 4 кунга кечикди. Мақбул экиш чуқурлиги 9-10 см. бўлиб, экиш чуқурлигининг саёз ёки чуқур бўлиши ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорликка ва маҳсулотнинг товарбоплик кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатди ва энг юқори ҳосилдорлик ушбу вариантда “Файз-Барака” навида 3,0 кг/м² ва “Мўжиза” навида 3,3 кг/м² бўлиши аниқланди.
6. Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари туганакларини кимёвий таркиби аниқланди, куруқ модда 22,1-22,7%, сув 49,3-53,3%, оқсил 7,8-7,6%, мой 0,45-0,47%, кул 1,82-1,42%, фруктоолигосахаридлар 11,0-10,0%, инулин 40-42% ва пектин 6,2-3,5% га тенглиги маълум бўлди.
7. Топинамбур ўсимлигига турли хил экиш услубларини қўллаш унинг умумий ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлигига таъсир этганлиги кузатилди. Энг мақбул экиш муддати 5 апрел бўлиб, бунда “Файз-Барака” навида соф фойда ҳажми 10555 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 192%, “Мўжиза” навида соф фойда -12791 минг сўм/га, рентабеллик даражаси – 292%; мақбул экиш схемаси 70x40 см. бўлиб, “Файз-Барака” навида соф

- фойда ҳажми 11694 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 210%, “Мўжиза” навида 11600 минг сўм/га ва рентабеллик даражаси 209 фоизни ташкил этди.
8. Экишда уруғлик туганакларининг йириклиги бўйича мақбул вазни 40-60 г. бўлиб, бунда “Файз-Барака” навида соф фойда ҳажми 9960 минг сўм, рентабеллик даражаси 180%, “Мўжиза” навида 14920 минг сўм ва 269 фоизни ташкил этди. Уруғлик туганакларининг экиш чуқурлиги бўйича мақбул чуқурлиги 9x10 см. бўлиб, бунда “Файз-Барака” навида соф фойда ҳажми 14734 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 265%, “Мўжиза” навида 13184 минг сўм/га ва 238 фоизни ташкил этди.
 9. Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқлари шароитида топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун 5 апрелда, 70x40 см. схемада, 40-60 г. ли уруғлик туганакларни 9-10 см. чуқурликда экиш тавсия этилади.
 10. Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари туганакларидан Қорақалпоғистонда доривор кукун ишлаб чиқаришда фойдаланиш тавсия этилади. ООО “LICORICE EXTRACT” корхонаси томонидан топинамбур ўсимлигининг туганагидан кукун ишлаб чиқариш усули яратилди ва қўлланилиши учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигидан рухсатнома (санитар-эпидемиологик хулоса) олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ БЕРДАХА**

ЖАНГАБАЕВА АЙГУЛ САРСЕНБАЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ
ТОПИНАМБУРА (*HELIANTHUS TUBEROSUS L.*) В УСЛОВИЯХ
ЗАСОЛЕННОЙ ПОЧВЫ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН**

06.01.08 –Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент -2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.2.PhD/Qx290.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каракалпакском государственном университете имени Бердаха.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу научного совета www.cottonagro.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Мавлянова Равза Фазлетдиновна**
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Остонакулов Тоштемир Эшимович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Аманова Махфурат Эшмирзаевна
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
растениеводства

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел.:(+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37, e-mail:piim@agro/uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, (зарегистрирован № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел.:(+99878) 150-62-84; факс:(+99871) 150-61-37, e-mail:piim@agro/uz

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2019 года.

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,
профессор

Д.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется большое внимание продовольственной безопасности населения, уменьшению деградации почвы, эффективному использованию орошаемых земель, улучшению экологического состояния засушливых и засоленных зон с использованием новых технологий. В настоящее время топинамбур широко распространён во многих странах мира и выращивается на площади 2,5 млн. гектаров. В США площадь посева топинамбура составляют 700 тыс. га, Франции - 500 тыс. га, Австрии – 130 тыс. га. В последние годы в таких странах, как Англия, Германия, Польша, Венгрия, Япония, Китай площади посева возрастают¹. Причиной широкого использования топинамбура является то, что он имеет уникальный химический состав и биологически активные вещества.

В мире топинамбур имеет высокий потенциал, используется как мелиорант, продовольственное, лекарственное, кормовое, техническое и декоративное растение. Важное значение имеет выращивание растений, приспособленных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям для диверсификации культур путём внедрения инновационных разработок в сельское хозяйство. В этой связи, выращивание различных видов и сортов культур, подходящих для почвенных и климатических условий области, скороспелых, урожайных, мало требовательных к воде, разработка ресурсосберегающих технологий и их внедрение является одной из важных задач. В республике проводятся исследования по выращиванию топинамбура и осуществляются различные мероприятия для полной обеспеченности населения республики лечебной, продовольственной и другими видами продукции.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2015 года за № ПП-2460 "О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах", ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года "Стратегия действий о мерах по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 16 января 2018 года за № ПФ-5303 "Мероприятия по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны", постановлением Кабинета Министров от 9 января 2019 года за № 14 "О дополнительных мерах по оптимизации земельной площади и эффективному использованию сельскохозяйственных угодий фермерскими хозяйствами и другими сельскохозяйственными предприятиями", а также другими нормативно-правовыми документами.

¹Duke, J.A. and Wain, K.K. Medicinal plants of the world. Computer index with more than 85.000 entries. 3 vols. 198. p 15.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

